

ХХ асрнинг сўнги чораги “мусулмон дунёсининг уйгониши” деб хисобланишига барча асослар бор. Бунгача бирмунча вакт давомида устуворлик килган миллий ва энг аввало араб социализм мафкураси деярли таназзулга юз тутди. Бирок узок вакт давом этган тарихий сукунатдан сўнг ислом сиёсий тафаккури Суданда, Эронда ва кисман Покистонда ўзини намоён эта бошлади. Мазкур жараёнларга параллел равища фаровон Саудия кироллиги сезиларли даражада кучайиб, хатто ўз худудларидан минглаб чакиримлар нарида хам ўз манфаатларини баралла овоз билдира бошлади. Ар-Риёд ўзининг ўта анъанадор гояларини таркатишни кўллашга каратилган мафкуравий платформасини оммавийлаштириб, фойдалана бошлади. Бирок бу каби сиёсат Исломнинг энг асосий кадамжоси - муқаддас Каъба ёнида содир бўлган даҳшатли фожиага айланиб, Саудлар хонадонининг шон-шарафини кўтаришга каратилган режаларига карата каттик зарба берди.

Масжидул-харомнинг босиб олиниши ва уни француз маҳсус кучлари тарафидан озод килиниши

1979 йил 20 ноябр куни Ислом оламининг муқаддас марказида дунёни хайратга солган ходиса бўлиб ўтди. Ўша куни – XV хижрий асрнинг биринчи куни – Жухайман Утайбий бошчилигига бир неча юз экстремистлар Масжидул-харомга бостириб кириб, уни босиб олдилар. Масжидни озод килишга бўлган уринишлар икки хафтача давом этди. Шу вакт ичидаги саудияликлар масжидни назоратларига олиш бўйича ўз кучлари билан бир-икки муваффакиятсиз хужум килиб хам кўрдилар. Сўнг саудияликлар ташкаридан ёрдам бўлмаса, ўзлари бу ишни уddeлай олмаслигига амин бўлишди.

Одатга кўра, Ар-Риёд энг аввало ўз диндошларига мурожаат килишлари керак эди, масалан, покистонлик ёки урдуниларига. Чунки уларнинг мамлакатлари ўзига яраша камчиликларига карамай, керакли харбий бўлинмаларга эга эдилар. Харкалай, харам худудига кириши ман килинган европалик ва америкаликлардан фаркли равища улар мусулмонлардан эди. Шунинг учун хам мусулмон мамлакатларининг маҳсус харбий кучлари хеч кандай муаммоларсиз радикалларнинг исёнини бостириши мумкин эди. Бирок Саудлар урдунилар “Исломнинг муқаддас ерлари халоскори” сифатида Ислом оламида Ар-Риёдга жиддий ракиб бўлиб кетишини яхши тушунишган. Шунинг учун хам хукумат нигохи бошка тарафга, яъни Гарб тарафига караб бокди, чунки улар Ислом оламида Саудия макомига рахна солиши мумкин эмас эди.

Саудия Арабистонининг Гарбдаги энг якин иттифокчиларидан бири АҚШ эди, бирок улар якинда шох режимининг йикилиши билан Эронда ковун тушириб кўйишган эди. Ўша вакт яъни, 1970 йилларда Франция Саудия Арабистонига курол-аслаха етказиб бериш бўйича асосий шерикларига айланган эди. Бунинг устига уларнинг харбий мутахассислари Саудия армиясининг маҳсус кучларига сабок бериб, уларнинг харбий маҳоратларини оширишда жуда фаол эди. Шуларни хисобга олган холда, саудияликлар айнан уларни танлаб олишди ва 4 декабр куни Франциянинг маҳсус харбий бўлинмалари

Масжидул харомнинг босиб олиниши

Муаллиф:

13.08.2015 22:54 -

Масжидул-харом устидан Ар-Риёд назоратини ўрнатишга муваффак бўлишди. Канча зиёратчилар халок бўлгани хакида халигача бирон бир аник маълумот йўк. Одамларнинг гап-сўзига сўзига караганда, 4000 га якин одам курбон бўлган экан.

Экстремистлар устидан махкама ва уларга ўқилган хукм тез бўлиб ўтди. Олтмишдан ошик террорчилар катл килинди, бошкаларига эса узок муддатли камок жазоси берилди. Орадан оз вакт ўтиб, Саудия Арабистонида Жухайманий гурухи деярли тўлик йўк килинди.

Бўлиб ўтган вокеаларга мусулмонларнинг муносабати

Маккадаги вокеаларга умматнинг муносабати ўта кескин тарзда бўлди. Лекин ўша пайтда алока технологиялари хали анча заифлиги ва Ар-Риёд хакикий ахволни беркитганлиги боис мусулмонларнинг газаби асосан АКШга каратилди. Гап шунда эдики, хужум бошланган куни бутун дунё бўйлаб "Америкаликлар Исломнинг мукаддас ерларини эгаллабди", деган миш-мишлар таркалиб кетди.

Покистонда бу АКШ элчихонаси намойишчилар томонидан ишгол килинишига олиб келди. Бошка давлатларда хам шу каби тартибсизликлар тўлкини юз берди. Бангладеш, Туркия, Ливия, Хиндистон каби мамлакатларда вазият бекарорлашиб, АКШ банкларининг жойлардаги бўлимлари, элчихона ва консулхоналари, ахборот агентликлари идоралари, маданий марказлари хужумга тутилди.

Ўша вактнинг ўзида, Маккада бўлаётган вокеалар асосидаги турли миш-мишлар таъсирида Саудия Арабистонининг асосан шиалар истикомат киладиган шаркий вилоятларида норозиликлар бошланди. Масжидул-харомнинг босиб олинишини яшириб бўлмасди, чунки бўлиб ўтган вокеалар хакикатдан хам катта ахамиятга эга эди.

Саудия Арабистонининг сиёsatда узокни кўра билмаслиги

УтайбийТурли гурухларнинг диний кайфиятдаги кўзголонлари "Масжидул-Харом"ни эгаллаб олишга бўлган интилишнинг олдини ололмаслигини билдириб кўйди. Улар узок йиллар давомида панарабизм, социалистлар ёки шиалар томонидан бўладиган таҳдидни кутиб яшашди. Саудияликларнинг ўзи хам, АКШ томони хам бу ишларнинг барига Эронни айбдор хисоблашарди. Ар-Риёд мобода шунга ўхшаш холат кузатилса хар кандай тажовузкор хатти-харакатни ўз кучимиз билан бостира оламиз, деган фикрда эди. Бирок вазият шундай тус олдики, ўта анъянадор бадавийлар Жухайман бошчилигига кўзголон кўтарди. Энг кизиги, айнан Жухайман кўл остидагилар ана шундай кўзголонларни бостирувчи маҳсус бўлинма эди. Шуни эслатиб ўтиш жоизки, Жухайман Саудия Арабистони миллий гвардиясида деярли 20 йилдан буён хизмат килиб келаётган эди. Бундай парадоксга (соглом аклга зид нарсага) олиб келган асосий сабабларнинг бири,

Муаллиф:

13.08.2015 22:54 -

Саудия Арабистони режимиининг анъанадор кучларга таяниш кераклигига ўта кучли ишончи эди. Айнан шу нарсани энг яхши ижтимоий назорат воситаси сифатида кўришаётган эди. Мамлакат учун хавфли деб кўрилган социалистлар ва уларга якин гурухлар, уларнинг бир катор исёnlари, уларга карши курашиш учун давлат бюджетидан катта микдорда пул ажратилиши бутун мамлакат бўйлаб консерватив кучлар ва уларга тобе бўлган ташкилотларнинг таъсир кўлами ошишига олиб келди. Ўшанда, Ар-Риёд бошлаб юборган таргибот-ташвикотдан кўзланган асосий максадлардан бири Саудлар сулоласи ва уларнинг мамлакатларини мустахкамлашга каратилган эди. Бундай сиёsat, охир-окибатда махаллий радикал окимларнинг ривожланишига яхши мухит бўлиб хизмат килди. Кейинчалик булардан ўта анъанадор гурухлар окиб чика бошлади.

Кайд этиш керакки, Утайбий ва Масжидул-харомга боскинчилик килган яна бир муҳим шахс бўлган Каҳтоний кейинчалик Саудия Арабистонининг бош муфтийси бўлган Абдулазиз бин Бознинг шогирдларидан бўлган. Утайбий маълум бир вакт давлатга тегишли университетларнинг бирида дарс хам беришга ултурган эди. Шунинг учун хам Макка воеалари, шубҳасиз, барча кучини сўнгиларга каратган режимга катта зарба берди, яъни душман режим ўзига таянч деб билган мухитдан чикиши асло кутилмаган воеа бўлди.

Масжидул-харомни кўлга олган гурух 60-йилларда Мадинада пайдо бўлган "Жамоат ас-Салафийя ал-Мухтасиба" (ЖСМ) радикал фракциясининг бир бўлаги хисобланади. ЖСМ ва унинг радикал тарафдорлари бўлган "Жухайман биродарлиги" Саудияда биринчи ультраконсервативлар хисобланади. Бу гурухлар Жухайманнинг сакланиб колишига асосий роль ўйнашди ва улар хозирги кунда Саудия сиёsatида асосий куч хисобланади.

Консерватив изоляционизм мафкураси

Ультраконсервативлар окими ўзларини дунёкарашлари, хоҳиш-истакларига эга. Булар: а) четдан кирувчи ташки диний маросимлар ва урф-одатларга каттиқ каршилик кўrsatiш; б) хар кандай диний маросимлардан четда туриш; в) очикдан-очик сиёsatга каршилик, давлатга ва унинг институтларига кўшилмаслик; г) бошкacha фикрга эга бўлганларни ёктирмаслик, жанжалгача бориш ёки нафакат фикр юритиш балки фикрларни ўзгача талкин этишга хам каршилик кўrsatiш. Масалан, Жухайман тарафдорларининг умумий фикрича Ислом дунёсидаги окимлар ва мактаблар хамда Саудия Арабистонининг асосий диний йўналиши хам тозаланишга мухтоҷ ва йўлдан озган адашганлардир. Яна улар давлатчилик тузумини йўқ килиш, деган фикрда бўлиб, буни Саудия паспортларини йиртиб ташлаш ва шунга ўхшаш харакатлари билан намойиш этишди. Уларнинг ёпик тушунчалари ва фикрлари бошка окимлардан яккол ажralib туради. Саудиянинг "Ас Сахва" ("Уйгониш") мухолифат форумларида ультраконсервативларга якин бўлган гурух "Ал Коида" экстремистик гурухи хисобланади. Аммо уларни бир хил деб бўлмаса хам, айрим фикрлари бир-бирига мос келади. Шулардан бири улар сиёсий ракобат ёки сиёсий караш, деган тушунчаларни рад этади. Ва кимки уларнинг дунёкараши ва фикрларига карши бўлса ёки адашганлар ёки

Муаллиф:

13.08.2015 22:54 -

дин душманлари ва хокозалар хисобланишади. Хар бири бу айблор рўйхатини жуда узун давом эттириши мумкин. "Жамоат ас-Салафийя ал-Мухтасиба" жамоаси ўз раҳбарига ёки ижро органига эга бўлмаган гурух бўлиб, бу ердаги карорларни беш ёки олти кишидан иборат маслаҳат кенгashi кабул килган. Аммо 70-йилларда Жухайман ибн Мухаммад ибн Сайф ал-Утайбий бу жамода йўлбошчи бўлиб олди. Жухайман ЖСМда машхурликка, биринчи навбатда, ўз аждодларининг келиб чикиши туфайли эришди. Гап шундаки, унинг оиласи машхур ва энг катта бўлган Утайба кабиласидан эди. Жухайман жуда каттикўл консерватив одатларга эга бўлган бадавийлар оиласида улгайди. Энг кизиги унинг исми хам бу экстремистик гурухни каттикўллик йўналишига мос келарди. Араб тилида "Жухайман" - каттикўл, ковокли, кайфиятсиз, кўшилмаслик маъноларини англатади.

Тарихий маълумотлар

Жухайманнинг фойдасига ишлаган яна бир факт унинг оила аъзолари ихванлар харакатининг фаол иштирокчилари бўлишган. Бу харакат Саудия Арабистони тарихида жуда катта роль ўйнаган. Саудия ихванларини нокиёсий биродарлик — "Ихван ал-муслимин" бирлаштириб туради. Таъкидлаб ўтиш керакки, уларнинг мусулмон биродарларга ўхшаш томони факат номларида холос, курашиб услубларида эмас. Саудия ихванлари худди Утайба ва Мутайр каби жуда катта Неджда кабиласидан эди. Улар ўзларининг ўта диндорликлари билан ажралиб туришарди. Доим калтис харакат килишарди. Улар жуда катта ҳарбий кучга эга бўлиб, Саудийлар давлати тузумида фаол иштирок этишди. Саудийлар улардан ўз худудларини эгаллашда фойдаланишди. Жухайманнинг бобоси Сайфиддин бадавийлар билан бирга кирол Абдулазиз кўл остида кўплаб жангларда иштирок этди. Саудия давлати ташкил топгунча у доим кирол Абдулазиз кўли остида хизмат килди. Саудийлар давлат чегаралари Буюк Британия колониялари чегарасига етгач, кирол Абдулазиз уруш харакатлари нихоясига етганини зълон килди. Вокеалар бундай якун топганидан хайрон бўлган шундай хам Абдулазизни Гарб билан аюла ўрнатиб, уларнинг янги технологияларини олиб келаётганидан ва бундан ташкири айрим бадавий раҳбарлари ўз сиёсий карашлари билан ибн Сауднинг бекор килган нарсаларидан норози бўлиб турган кескин каршилик кўрсатишди. Шу сабаб куролларни йигиштиришдан бош тортишди. 1920 йили Утайба ва Мутайр кабилалари оксоколлари Султон ибн Биджад ва Файсало ад-Давиш бошчилигидаги бадавийлар кўзголон кўтаришди. Бир неча жанглардан сўнг Сбile жангидаги 1929 йилда бадавийлар кўшини тор-мор келтирилди. Бу жангда Жухайманнинг бобоси катнашмади. Лекин отаси кўзголончиларнинг бошлиги Султон ибн Биджад томонида туриб жанг килди. Жухайман ўз биродарлари орасида доим ихванларнинг жасорати ва отасининг қаҳрамонлиги хакида гапириб, ундан фахрланиб юрган. У сўзсиз уларнинг дунёкараши билан фикр юритар эди. Аммо ЖСМнинг кўп аъзолари бадавийлардан эмас эди. Бадавийлари эса ўша жангларда иштирок этган кабилалардан эмас эдилар. Шу сабаб ўша эски кабилаларгина саудийларни Сарик уйига карши бўлган, деган фикр хато бўларди. Тарихий хотираларни тиклаш Жухайман гурухининг режасининг бир кисмигина эди

Муаллиф:

13.08.2015 22:54 -

холос. Шундай килиб ЖСМ ва Жухайман биродарлиги 1970 йилларда Саудия Арабистонида ўтказилаётган сиёсий ўзгаришларни ва мустахкам сиёсий жараёнларни тўгри кўра олди.

Бўлиб ўтган фожеа сабаблари

Расмий Ар Риёд Жухайманда чет эл таъсири борлигини айтиб ўтди. Улар буни кўп кўлга олинаётган экстремистларнинг келиб чикишлари мисрлик экани билан изохлашди. Агар ЖСМ чет эл билан хамкорлик килаётган бўлса, Покистоннинг "Ахли ал-Хадис" ва Мисрнинг "Ансор ас-Сунна" гурухлари куч ишлатмайдиган гурухлар хисобланишади. Бу эса Жухайманинг радикаллигига хеч кандай ўз таъсирини ўтказмайди. Бу харакатни хар холда Саудия Арабистонининг ички муаммоси дейиш мумкин. Бошка бир фикрга кўра Жухайман кўзголони бу унинг гурух раҳбарларини реал хаётдан узилиб, ўз эътиқодларига чукур шўнгиб кетиб, киёмат бошланишига хеч кандай шубха колмади, деб ишонишларида. Хамма гап Махдийнинг келиши билан бөглик бўлган фикрнинг Жухайманда туғилишида бўлди. Унинг бир мурожаати тўлиқ шу мавзуда ўтди.

Мурожаатда Махдий хакида сахих хадислардан далиллар келтирилди ва бу Арабистон ярим оролида содир бўлаётган воқеалар билан бөгланди. Бундан шу нарса аён бўлдики, Жухайман ва унинг атрофидагилар ўзларини ростан танланганликларига ишонишди ва улар ўзларини хадисда айтилган одамлар эканликларини намойиш эта бошлашди. 1978 йилнинг охириларида Жухайман тушида унинг якин хамфикри ал-Кахтаний ростан "Махдий" экани хабарини олганини эълон килди. Уни Махдий деб эълон килинишининг асосий сабаби, у башорат килинган белгиларнинг кўпига мос келарди. Аслида Махдий радикал экстремистик услубда ва каттикўл ультраконсерватив йўналишда бўлмаслиги хакидаги сўзлар эътиборга олинмади. Яна ёзилган башоратлардан бири, бу Жухайманинг Масжидул Харомга хужуми айнан мусурмонлар таквими билан янги юз йилликнинг бошланишига тўгри келди. Буни Жухайман айнан шу санага мўлжаллаб амалга оширган эди. Бу Ислом дунёсида хар юз йилда катта олим пайдо бўлади ва у динда янгиланиш олиб киради, деган фикри билан бөглик бўлса керак. Асосан, бундай фикр "мужаддийлар" таълимотига тўгри келади. Шунга кўра Жухайман икки концепсияни аралаштириб, бу янги юз йиллик аль-Кахтанийни Махдий сифатида келиши билан изохлади. Вакт ўтиши билан уюшма раҳнамосининг ал-Кахтанийнинг Махдий эканлигига бўлган чукур ишончи хато бўлиб чиқди. Айнан мана шу факт хам унинг режалари тезлашишига хам асос бўлгандир. Шуни хам таъкидлаш керакки, ўша пайтларга бориб, гурух аъзолари хам уни танланганлигига шубха кила бошлашганди. Шундай бўлса хам улар гурухдан кетишни исташмасди. Чунки улар "илохий" Жухайманга ва унинг йўналишига каттик ишонишарди. Яна улар ўша танланган деган фикрдан бошка колган барча фикрларни тўгри, деб хисоблашарди. Бундан ташкари "Жухайман биродарлиги" айнан ўша тарихий санада бундай катта кучга эга бўлиши хамманинг эътиборига тушганди.

Бу масалага бир нечта сабаблар келтириш мумкин. Масаланган бунга ўша пайтларга келиб Саудия Арабистонида ишчилар хак-хукуларидан маҳрум бўлишини хам сабаб килиб

Муаллиф:

13.08.2015 22:54 -

кўрсатиш мумкин. Натижада улар бой табакага карши кўзголон кўтаришади. Саудияда бўлаётган вокеалардан бир неча кун ўтиб, Арабистон социал ишчилар партияси раҳбари кўзголончиларни ўз томонига чакирди. Халк иттифоки раҳбари эса Арабистон ярим оролига килинган хужумни халк инкилобининг бир кўриниши, деб баҳолади. У булардан максад давлатда эркин демократик республика тузиш эканини таъкидлаб ўтди. У яна жанглар Табукда, Мадинада, Нажранда, Наждада бўлаётганини таъкидлади хам. Маккадаги масжидни кўлга олганларнинг кўпчилиги камбагал ва жиноятчилар тоифасидан чикканлар эди.

"Жухайман биродарлиги" ростан ўз сафларига эътибордан четда колган гурух аъзолари, Саудияда яшовчи муким кўчманчилар ва келиб чикиши чет эллик бўлган фукароларни кўшиб олишди. Шундан келиб чикиб Жухайманнинг давлатга йўллаган мурожаати галати тус олди. Экстремистлар раҳбари унда юриталаётган режим, уларнинг хошиш-истаклари динга ва мусурмонларга ёмонлик хамда коррупцияга олиб келаётганини, Курайш кабиласидан бўлмаганларни сиёсатга аралаштириш, Курайшийларнинг мусурмонлар устидан хукмронлик килиш хукувидан маҳрум этаётганини таъкидлаб ўтганди. Унинг фикрича, Курайш кабиласидан бўлмаганлар мусурмонлар устидан раҳбарлик килиш хукувидан маҳрум этилиши керак. Бу масалада тортишиш кийин. Уларни псевдомессианча эътиқод билан карашлари мазхабликкача бориб етди ва уларнинг экстремизм хамда терроризм услуби Жухайман ва унинг хамтовокларини жиноятчига айлантириди.

Жухайман мероси

Хайрон коларлиси Жухайман хакидаги хотиралар хозиргача сакланиб колган. Айrim радикал гурухларда уни харакатини кайта тиклаш хошиш-истаклари хам бор. 1979 йилги вокеаларнинг тасодифий гувохи бўлган мисрлик зиёратчи уйига кайтгунча гурухнинг кўпгина варакаларини олиб келган. 90-йилларга келиб, Жухайман йўналиши Саудия Арабистонининг айrim худудларида кайта тугилди. Шулардан бири Ар Риёдда пайдо бўлган ёш радикаллардан ташкил топган Жухайман гояларининг давомчилариdir. Бу харакат давлатни ва унинг ўқитиш тизимини халоллик ва мустахкам деб баҳолади. Бу Саудиядаги кўп бўлган гурухлар ёки доираларнинг биттаси эди холос.

Хулосалар

Чукур тахлил килиб, 1979 йилда Маккада содир бўлган фожеани оддий сабаблар билан тушунтириб беришнинг иложиси йўк. Тахлилнинг асосийси бир томондан ЖСМ билан иккинчи томондан "Жухайман биродарлиги" гурухларининг фаркини ажратишидир. ЖСМга келсак унинг пайдо бўлишига 1960-70-йилларда Саудия Арабистонида уч холат

Муаллиф:

13.08.2015 22:54 -

сабаб бўлди. Биринчиси: секин аммо ишонч билан диний катлам томонидан консерватизмнинг ривожланиб бориши ва уларнинг давлат бошкарув тизимини сусайиб боришларини хис килишлари. Иккинчиси: янги диний сиёсий мукобилга эга бўлган гояларнинг кириб келиши. Учинчиси: сиёсий-иктисодий таранглик. Бу тезрок тизимни кайта кўриб чикиш ёки кайта тиклашга ундарди. Жухайман гурухининг пайдо бўлишига сабаб килиб эса шуларни айтиш мумкин: бу гурух радикализмни классик услубда ривожлантириб борган. Кичик бир гурух каттарок гурух билан алока ўрнатади ва ўртада сиёсий карашлардаги тортишув вужудга келади. Бундай келишмовчиликларни фракция раҳбарларининг иктисодий-сиёсий ўзгача дунёкарашлага эга эканликлари билан изохлаш мумкин. Маккада бўлиб ўтган воқеаларнинг давлатни шаркида содир бўлган шиалар кўзголонига алласи йўқ. Факат вактлар бир-бирига тўгри келиб колган голос. Аммо бўлиб ўтган воқеалар Саудия Арабистони раҳбарларини дунёкарашларини ўзгартиргани аник. Бундан ташкири минтакада содир бўлаётган воқеалар, Эрондаги инкилоб, собик иттифокнинг Афғонистонга бостириб кириши, асосийси бу воқеларнинг жуда киска вакт ичida содир бўлиши хамда ички воқеалар Саудия Арабистони раҳбарларини теранрок фикр юритишига ундали. Яна шуни таъкидлаб айтиш керакки, Жухайман гоялари одамлар орасида биз ўйлаётгандан анча чукуррок жой олган. Бундай гурухлар олдин хам бўлишган. Хозир хам Саудияда бор. Бунга Саудия раҳбарларининг ўзи имкон тугдириб бермокда. Маккада бўлиб ўтган воқеалардан сўнг, улар шундай хulosага келишдик, диний катламларнинг позициясини мустахкамлаш ва халкни тўгри назорат килиш йўли билан бундай фожеаларнинг олдини олиш мумкин. Лекин Маккада содир бўлган воқеалар шуни кўрсатдик, бу йўл билан кафолатланган баркарор натижага эришиб бўлмайди. Агар кимгадир ўз юртида эмас, хатто чет элда бўлса хам ишонч билдирилса, бу сиёсат яна кайтиб тикланмайди, деб бўлмайди. ИШИД гурухи бунга очик-ойдин мисол бўла олади.

Muslim Politic материаллари асосида
Абу МУСЛИМ тайёрлади